



МУСИКИЙ ТЕРМИНЛАР ЛУҒАТИНИ ТУЗИШДА ЛИНГВИСТИК ВА СОҲАВИЙ ЁНДАШУВ

*Арипова Гулноза Тулкуновна,
ЎзМУ мустақил тадқиқотчиси*

Калим сўзлар: лексикография, муסיқа, чолгулар, тил, луғат, санъат, тилшунослик, термин, талқин.

Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6000-сон фармони, сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини ривожлантиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилаётганлигидан дарак беради. Албатта, маданият ва санъат соҳасини ривожлантиришдаги асосий омил илм-фандир. Ўзбекистонда илм-фанни ривожлантиришда, турли хил тадқиқотлар ўтказиш ва янгиликлар яратиш ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Санъат ва маданият соҳасининг ривожига нафақат соҳа вакиллари, балки тилшунослар ҳам ўзининг ҳиссасини қўшиши лозим. Шу мақсадда олиб борилаётган тадқиқотлардан бири соҳага оид ўзбек муסיқа чолғулари икки тилли луғатини яратишдир. Ҳозирги кунда олиб бораётган тадқиқотимиз қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

- ўзбек ва инглиз лексикографик луғат талқинини ўрганиш;
- ўзбек ва инглиз лексикографик луғат талқинини қиёсий ўрганиш;
- лексикографик луғатлардаги изоҳларнинг берилиш тамойилларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқилган тамойиллар асосида янги луғатлар яратиш.

Луғат тузишда дунё лексикографияси ҳақида маълумотлар тўплаб, уларни чуқур ўрганиш мақсад қилинган. Лексикография деганда, одатда, луғат тузиш ва луғатчилик амалиёти тушунилади. “Лексикография” сўзининг

илмий термин сифатида истеъмолга кириб келганига унча кўп бўлгани йўқ. Масалан. Ф.А. Брокгауза ва И.А. Эфронанинг энциклопедик луғатида “лексикография” сўзи акс этмаган. Лекин, у ерда “лексикология” сўзи изоҳланган. Айтиб ўтиш жоизки, ушбу китобда “словарь” сўзининг изоҳида “лексикография” сўзи ҳақида маълумот берилган бўлиб, луғат техникаси, яъни “словарная техника” сўз бирикмаси билан синоним ҳисобланиши таъкидланган.

О.С. Ахманованинг “Словарь лингвистических терминов” китобида “лексикография” сўзига кенг изоҳ берилган. Унинг фикрича лексикография:

1. Луғат тузиш ҳақидаги фан.

2. Маълум бир тилнинг лексикасини ифодаловчи луғат тузилмаси.

3. Маълум бир тилга ёки маълум бир билимга асосланган луғат жамланмасидир [Ахманова, 1969].

“Британика” ва “Американа” номли машҳур энциклопедияларда “лексикография” сўзига изоҳ берилмаган. Лекин, шу икки луғатда ҳам “луғат” сўзига изоҳ бериб ўтилган. Ушбу икки машҳур китобда “лексикография” сўзига изоҳ берилмагани ажабланарли хол эмас. Ушбу ҳолат бир тарафдан “лексикография” сўзининг янги кириб келганидан далолат берса, бошқа сабабларидан бири, бу сўз ҳозиргача ҳам тилшунослар томонидан: “Лексикография” илмми ёки тил илмининг бир қисмими? Луғат тузиш техникаси ёки санъатими?,- деган баҳс-мунозарага сабаб бўлмоқда.

К.М. Денисов ва О.М. Карповаларнинг “Мировая лексикография в электронно-цифровую эпоху” деб



номланган мақоласида даниялик олим Свен Тарпаннинг лексикографияга берган фикр-мулоҳазалари ёзилган бўлиб, муаллифнинг фикрига кўра, лексикография мустақил амалга ошириладиган бир қанча интизом белгиларига эга. Булар:

- лексикография ижтимоий амалиётга асосланган билимлар тизимини акс эттиради;

- у аста-секин ва мос равишда маълум мантиқ билан ривожланади;

- белгиланган тушунча, тоифа, мақсад, назария ва фаразларга асосланади;

- у ўзининг тарихига ва луғат тарихига эга;

- ўзига хос усул ва услубларни шакллантирди, илмий тадқиқотлар олиб борди ва янги услубий парадигма билан умумий фанга ўз хиссасини қўшди.

-лексикографларнинг фаолияти луғат ва маълумотномалар тузишда намоён бўлади [К.М. Денисов, О.М. Карпова, 2018].

Даниялик профессор Хеннинг Бергингхолз ўзининг «Словарный менеджмент» мақоласида лексикографияни мустақил фан сифатидаги аҳамияти ҳақидаги фикрларини билдириб ўтган. Унинг таъкидлашича луғат тузиш жараёнида ҳар бир мутахассис-лексикограф бошқарувчи ва бош муҳаррир сифатида ишни бошқариши керак. Луғат тузиш жараёнида бош муҳаррир сифатида ижодий жамоа, компьютер мутахассислари, бухгалтер ва бошқаларни назорат қила олиш маҳоратига эга бўлиш керак.

Ҳар қандай адабий тил ўзининг пайдо бўлиши, шаклланиши тарихида турли жараёнларни бошдан кечирди. Тилнинг луғат бойлиги доимий ривожланиб борар экан, унга янги сўзлар кириб келади, баъзи сўзлар эса эскириб муомаладан чиқиб кетади. Ана шундай ҳолатнинг илмий жиҳатларини ўрганиш, таҳлил қилиш эса тилшунослардан катта матонат талаб қилади. Тарихий даврларда яратилган луғатлар ҳозирги ўзбек адабий тилининг тараққиётида жуда муҳим ўрин тутади. Шарқ мутафаккирлари ҳам

лексикографиянинг ривожланишига катта ҳисса қўшганлар.

Бунинг ёрқин исботи сифатида бобомиз Алишер Навоийнинг номини тилга олиш kifоядир. Алишер Навоий тилшуносликка доир асари «Муҳокамат ул-луғатайн»ни ҳижрий 905, милодий 1499 йилда ёзди. Улуғ ижодкор умрининг сўнгида яратган бу китоб аҳамияти беқиёсдир. А.Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн”ни ёзишдан мақсади, талқин тамойиллари, турли оилага кирувчи тилларни чоғиштирма-типологик ўрганиш масалалари ҳақидаги қарашлари келтирилган.

Асар туркий ва форсий тилнинг ўзаро қиёсига бағишланган. Алишер Навоий бу асарда тилни ўрганишнинг янги йўл ва усулларини очиб берди. Навоий дунё тилшунослигида биринчи бўлиб ушбу асари билан тилларни типологик ўрганиш соҳасини, уларни ўзаро чоғиштириб ўрганиш ишини очиб берди.

Шунингдек, Навоийнинг дунё тилларининг келиб чиқиши ҳақидаги қарашлари ҳам “Муҳокамат ул-луғатайн”да акс этган. Ҳазратнинг фикрича, Аллоҳ инсонни нутқ билан барча жонзотлардан мумтоз айлади.

Навоий туркий, форсий ва ҳиндий тилларни энг эски тиллар деб ҳисоблайди. Улар Нуҳ пайғамбарнинг уч ўғли- Ёфас, Сом ва Ҳомнинг авлодлари ўртасида талқалган [Қосимжон Содиков, 2017].

Шуни айтиб ўтиш жоизки, Алишер Навоий ўз асарларида мусиқа илмининг энг муҳим тармоқларига ҳам урғу бериб ўтганлар.

Манбаларда ўзбек лексикографияси тарихи Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асаридан бошланиши кўп таъкидланган. Ушбу луғат фақат сўзлар ва уларнинг маъноларини тавсифлаб қолмасдан, туркий халқлар тарихи, урф-одатлари, географик жойлашуви каби кенг маълумотлар манбаи ҳисобланади. Шу билан бирга у дастлабки икки тилли (туркий-арабий) луғатлардандир.

Маҳмуд Замахшарий ўзининг «Асос ул-балоға», «Муқаддимат ул-адаб» асарлари билан ҳам амалий, ҳам назарий



лексикографиянинг ривожига улкан ҳисса қўшди.

Илмий тадқиқот жараёнида лексикографиянинг ривожланишига ўз хиссасини қўшган шарқ ва ғарб мутафаккирларининг олиб борган кўпгина ишлари ўрганилди.

Дарҳақиқат, ўзбек мусиқа чолғулари луғатини тузишда, Алишер Навоий ва Маҳмуд Кошғарийнинг талқин тамойиллари ва чоғиштира-типология усулларида фойдаланиш яхши самара беради. Шу билан бир қаторда олиб борилаётган тадқиқотда, тилшунос миллий чолғулар тарихини ўрганишдек улкан ишни ўз олдига қўйиши даркор. С.Жумаевнинг “Миллий чолғулар тарихи ва эволюцияси” китобида ёзишча тарихий қўлёзмалар, адабий асарлар ва мусиқий рисоаларда Ўрта Осиё халқлари амалиётида вужудга келган барча чолғу асбобларининг номлари ўз ифодасини топган. Мусиқий рисоаларда эса чолғуларга тегишли (шакл, тузилиш, торлар нисбатлари, тайёрлаш мезонлари, чолғулар учун ишлатиладиган дарахтлар ва ҳ.к. ҳақида) маълумотлар келтирилган [Жумаев, 2017]. Демак, соҳага оид луғат тузишда тадқиқотчи фақат тилшуносликни эмас, балки тегишли соҳани ҳам тўлиқ ўрганиши керак экан. Бунда мутахассислик китобларини ўрганиш керак бўлади. Ўзбек мусиқа чолғулари луғатини тузишда эса санъатшунос мутахассислар билан суҳбатлашиб, сўровномалар ўтказиш ҳам яхши самара беради.

Тарихдан маълумки, ўзбек халқ чолғулари ранг-баранг тарзда, ўзига хос

шаклланган ва мусиқанинг барча тармоқларига мос чолғу асбоблари шаклланиб, асрлар оша ривожланиб келган. Ўтмиш алломалари Ал-Форобий, Абдуқодир Мароғий, Аҳмадий, Абдурахмон Жомий, Зайнулобиддин Хусайний, Дарвеш Али Чангийлар ўз рисола ва асарларида ўз даврларининг мусиқий чолғулари таснифотини баён этганлар. Ўтмишнинг забардаст шоирлари ҳам ўз асарларида мусиқий чолғулар номларини зикр этишда созларга такрор ва такрор мурожаат этганлар. Ана шу асарларни ўрганиш ҳам яратилаётган луғатларни янада бойитишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, луғатларнинг муайян халқ маънавияти ва миллий маданиятида муҳим ўрин эгаллаши исбот талаб қилмайдиган ҳолатдир. Луғатларни доимо замонага ҳамнафас тарзда мукамаллаштириб бориш зарур. Ҳозирги кунда ўзбек тилининг соҳа луғатлари давлат тилини ривожлантириш департаменти талаблари асосида қайта бойитган ҳолда нашр ишлари йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Бунда лексикография қонуниятларига қатъий амал қилишни йўлга қўйиш лозим.

Ўзбек мусиқа терминлари мусиқашунослар томонидан атрофлича ўрганилган, бироқ лексикографлар томонидан жиддий таҳлил қилинмаган. Мавжудлари эса етарли эмас. Бугунги кунда Ўзбекистон дунёга юз тутмоқда экан, миллий мусиқа терминларини қиёсий ўрганишга эҳтиёж янада ошиб боради.

Адабиётлар

1. Mirziyoyev Sh.M. “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6000-сон фармони. 2020.
2. Ахманова О.С., Словарь лингвистических терминов /О.С. Ахманова.– Изд. 5-е. – М.: Книжный дом «Либроком», 2010. - С.576 .
3. Денисов К.М., Карпова О.М. Мировая лексикография в электронно-цифровую эпоху/Вестник ВГУ. Серия: Лингвистика и межкультурная коммуникация. 2018. - № 2.– С.194-195 .
4. Қосимжон Содиков таҳлили, табдили ва талқини остида. Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асари. –Т., 2017. – С.3-8.



5. Жумаев С.С. Миллий чолғулар тарихи ва эволюцияси. –Тошкент: 2017. – Б. 103.
6. Тошматов Ў. Туратов С. Кўхна чолғулар ижрочилиги. –Т., 2016.

Арипова Г. Лингвистический и специальный подход в составлении словаря музыкальных терминов. Восточные мыслители также внесли большой вклад в развитие лексикографии. Словари, созданные в исторические периоды, заложили прочную основу для развития современного узбекского литературного языка, а созданные сегодня словари также играют важную роль в устойчивом развитии нашего языка. Поскольку узбекская музыкальная терминология разнообразна по содержанию, их лексикографический анализ требует аналогичных усилий. Статья посвящена изучению узбекской музыкальной терминологии в лексикографическом аспекте и истории лексикографических исследований.

Aripova G. Linguistic and special approach in compiling dictionary of musical terms. Oriental thinkers also made a great contribution to the development of lexicography. Dictionaries created in historical periods laid a solid foundation for the development of modern Uzbek literary language, while dictionaries created today also play an important role in the steady development of our language. As Uzbek music terminology is diverse in content, their lexicographical analysis requires similar effort. The article deals with the study of Uzbek music terminology in the lexicographic aspect and the history of lexicographic research.